



Бутун дунё пролетарлари, бирлигиниз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 85 (9581).

• 1989 йил 3 май • чоршанба •

Баҳоси 3 тийин.

ҚАЙТА ҚУРИШ ЗАФАРЛАР, ОРЗУ-УМИДЛАР БАҲОРИ

Қизил майдонда Биринчи Май намоиши

Қайта қуришнинг бешинчи баҳори бепоян Ватанимиз бўлаб кенг одим ташламоқда. Совет кишилари бу йилги Биринчи Майни жамиятимиз турмушининг барча томонларини янгилашга доир дадил, кенг миёсали режаларни амалда бўёбга чиқариш учун зарур бўлган гайрат-шикоатга тўлиб-тошган ҳолда кутиб олмақдалар.

Революцион ўзгаришлар 1985 йилнинг тарихий апрель маррасидан бошланган эди. Ана шу ўзгаришлар партиянинг ташаббусига биноан миллионларнинг астойдил бунёдкорлик меҳнати билан амалга оширилмоқда. Меҳнаткашлар турғунлик давридаги лоқайдликни улоқтириб ташлаб, қаддини ростлаб олиб, ўз тақдирининг соҳиблари, ўзларининг ҳозирги кўни ва келажиги бунёдкорлари, деб тўла-тўқис ҳис эта бошладилар. Тобора чуқурлашиб, кучайиб бораётган демократиялаш, ошқоралик жараёнлари, Советларнинг ленинча роли қайта тикланаётганлиги, экономикани соғломлаштиришга, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар бунинг гаровидир. Совет кишилари янгиланган ва инсонпарварлик қиёфасидаги социализмни қатъий ёқлаб фикр билдирганликларининг босиш ҳам мана шундай, бундай социализм инсонни ҳақиқатан ҳам улуглайди, унинг манфаатларига хизмат қилади, деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида.

СССР халқ депутатларининг сайлови социалистик демократиянинг, халқ ҳокимияти системасининг кучини яна бир бор тасдиқлади. Сийёсий ислохотини ва жамиятнинг демократиялашани ривожлантириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида катта қадам қўйилди.

Партия сайлов чинакам демократик тусда ўтиши учун кўп иш қилиб, ўзининг социалистик жамиятимиз сийёсий авангарди эканлигини яна бир қарра исботлади.

Сайлов чоғида совет халқи қайта қуришни янада чуқурлаштиришни, уни амалга оширишга яна ҳам қатъийроқ ва дадалроқ ёндашишни, турмушимизнинг барча соҳаларида ахшилик сари тезроқ ўзгаришлар бўлишини қаттиқ ёқлаб, фикр билдирди. СССР халқ депутатларининг бўлажак сьезиди сийёсий ислохотининг янги, ҳал қилувчи қадамига айланишга мамлакат меҳнаткашларининг ишончи қомилдир. Мана шу сьездда ҳокимият олий органлари тузилди, уларнинг ишлаш тартиби белгиланади.

Майнинг биринчи тўғтотарида кўраклашиб, ёшариб кетган Москванинг байрамона либоси ана шу қайфият ва ҳис-туйғуларнинг ҳаммасини акс эттирди. Қизил майдон, К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин портретлари, тарихда биринчи меҳнаткашлар давлатининг нишонини — ўроқ ва болға туширилган панно майдоннинг улутвор ансамблини беэаб турбди. Сенат минорасида — СССР герби, Кремль девори бўйлаб — қардош иттифокдош республикаларнинг герблари, ранг-баранг миллий нақшлар кўзга ташланади. Кўндан-кўз қизил байроқлар билан ўраб қўйилган СССРнинг давлат байроғи баҳор шамолда ҳилпираб турибди.

Совет кишилари фахр билан «СССР — умумий ҳонадонимиз» демоқдалар. Иттифокдош ва автоном республикаларни, автоном областлар ва округларни ривожлантиришнинг тарихий, социал-иқтисодий ва маданий хусусиятларини эътиборга олиб, миллатлараро муносабатларни яна

да такомиллаштириш — қайта қуришнинг муҳим вазифасидир. КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган Пленуми жамоатчиликни астойдил қизиқтирмоқда, шу Пленумга катта умид боғланмоқда.

Ҳозир жойлардаги партия ва совет органлари социал соҳадаги, миллий маданият ва тил, экология соҳаларидаги ўткир масалаларни бартараф этиш юзасидан катта иш олиб бормоқдалар. Миллатлараро муносабатларнинг Совет социалистик Федерациясини такомиллаштириш, иттифокдош республикалар, областлар ва округларнинг суверенитетини мустаҳкамлаш, ССР Иттифоқи ва иттифокдош республикаларнинг ҳуқуқ доираларини аниқ белгилаб қўйиш каби энг муҳим масалаларга доир қонун лойиҳаларининг мажмуаси ишлаб чиқилмоқда. Умумиттифок манфаатлари билан регион манфаатлари узвий қўшилишига эришиш мақсадида республикаларнинг иқтисодий мустақиллиги ва масъулияти анча кенгайрилмоқда.

... Ҳаваскорлар оркестрларининг қуйлари майдон узра байрам таронаси бўлиб янграйди. Меҳмонларга аталган минбарлар диқ тўлган. Бу ерда партия ва меҳнат ветеранлари, Октябрь революцияси, Гражданлар уруши ва Улуг Ватан урушининг қатнашчилари, ишлаб чиқариш илгирлари ва новаторлари, таниқли олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, космонавтлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари бор эдилар.

Юздан зиёд мамлакатдан касаба союз ва ишчилар ҳаракатининг, Жаҳон касаба союзлари федерациясининг, бошқа халқаро ташкилотларнинг делегациялари, кўндан-кўз чет эллик меҳмонлар Би

ринчи Май тантаналарига келдилар.

Чет давлатларнинг Москвадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошликлари ҳозир бўлишган.

Эрталаб соат 10. М. С. Горбачев, В. И. Воронников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Нионов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварнадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюков, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Н. В. Талзин, Д. Т. Язов, О. Д. Вакланов ўртоқлар В. И. Ленин мавзолейининг марказий минбарига кўтариладилар.

Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда эдилар.

Биринчи Май, совет халқи шарафига фанфаралар ва шарафловчи сўзлар янграйди. Пионерлар партия ва ҳукумат раҳбарларига гуллар тақдим этишади.

Байроқдорлар группаси байрам юришини бошлаб беради. Москва Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. И. Костенко Москва байроғини кўтариб олган. Меҳнат коллективларининг вакиллари шайх байроғи остида бормоқдалар. Булар орасида СССР халқ депутати, Москва бадий соатлар заводининг бригадирини Н. С. Глазков, Москва химия-технология институтининг проректори, профессор Л. С. Гордеев, 785-мактаб директори, халқ маорифи аълочили Ю. Г. Дремينا, Москва геодезия, аэрофотосъёмка ва картография инженерлари институтининг студенти М. Е. Фролов, 57-поликлиника беш врачининг ўринбосари Ю. М. Истомина, М. И. Калинин номли машинасозлик заводи йигучи-слесарларининг бригадирини Х. Х. Галимов бор. Би

Биринчи Май шуълалари

Пойтахтнинг оқшомги осмонини камалак ранглар ёритди — байрам мушакбозлигининг самовий гулдасталари ҳар ёнга сочилиди. 1 Май кўни Москва меҳнаткашлари шонли байрам — меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кўни шарафига берилган салютнинг шоҳиди бўдилар.

Ропла-роса соат 22.00 да халқ сайиллари ўтган майдонлар ва хибонлар, кўчалар ва проспектлар узра мушакбозлик шуълалари порлади. Бу аса юз минглаб

москваликлар ва пойтахт меҳмонларига қувонч ва табассум ҳади этгандек бўлди. Бу севиначли чехраларда бахт-саодатга умид акс этди. Тинчлик, Меҳнат, Май шарафига салют берилди.

Пойтахт Биринчи Майни баҳорий янгилини, мусофоллик билан кутиб олмақда. Байрам мушакбозлиги, ранг-баранг ёритиш шодалари қадимий, аммо ҳаминша навқирон Москвани безатган алвон ранг байроқлар, стендлар, паннолар ва транспарантларни ёритди. Фақат осмон

гумбази бир зумгина қоронгулашиб яна пойтахт узра минглаб юлдузлар таралиб, гаройиб гуллар пайдо бўлади.

Камалакранг чироқларнинг порлаб турган оқимлари йиғирма марта осмонга бўй чўзади ва ҳар гал бетакдор манзара намоён бўлади. Иттифокдош республикалар пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарларда ҳам байрам мушакбозлиги ўтказилди.

Москва.
(ТАСС мухбири).



В. И. ЛЕНИН МАВЗОЛЕИ МИНБАРИДА.

ринчи квартал якунларига кўра социалистик мусобақада голиб чиққан пойтахт районларининг вакиллари бўлиш бутун уларга ишониб топирилган.

Пойтахт районларининг колонналари майдонга кириб келишади. Колонналарнинг жиҳозлари оддийлиги ва амалийлиги билан ажралиб турибди. Транспарант ва панноларда Москванинг меҳнат коллективлари КПСС XXVII сьезди ҳамда XIX Бутуниттифок партия конференциясининг қарорларини қандай амалга ошираётганликлари тўғрисида ҳиқоя қилувчи ҳаммага ҳиқушунарли бамисоли қизиқар

ли бир рисола тасвирлангандек. Қайта қуриш одамларнинг зўр бунёдкорлик гайрат-шикоатини, сўз билан ишнинг бирлигига эришиш, юксак пировард натижаларга тенглашиш иштиёқини жўш урдириб юборди.

— Сайлов кампанияси бунинг жуда яққол акс эттирди, ана шу кампания давомида совет кишилари номзодларнинг программаларига уларнинг турмушимиздаги беш вазифа — қайта қуриш иш учун амалий аҳамиятга қараб талабчанлик билан баҳо бердилар. — деди СССР халқ депутати.

(Давоми 2, 3-бетларда).

ҚАЙТА ҚУРИШ МУСТАҲКАМЛАНАДИ ВА РИВОЖЛАНАДИ

Тошкентда меҳнаткашларнинг байрам намоиши

ТОШКЕНТ, Май, Қайта қуришнинг бешинчи баҳори. Ҳаётимиз яна кўкларнинг анвоий чечаклари билан безалди, кўнглимиз ҳам баҳор осмонидек мусаффо. Биз мамлакатимиздаги қайта қуришнинг бешинчи баҳорини етдик. Қайта қуриш жаҳон халқларининг тилига тушди: Ер юзи аҳли кўкс қайта қуриш тўғрисида азгу орузларга тўлиб турибди. Беш қитъа меҳнаткашлари мамлакатимиздаги революцион ўзгаришлар халқаро иқлимни яна илтидади, деб кутиб турибдилар. Бунинг учун ҳамма асос бор, чунки қайта қуриш жараёнининг дастлабки нишонлари ана шу оруз-умидларнинг асосли эканлигини кўрсатиб турибди. Турулишларда мамлакатимизга муносабатининг ўзгариши — партия ташаббуси билан ҳаётимизни тубдан қайта қуриш юзасидан бошланган жуда улкан ишларнинг асосий натижаларидан биридир.

1985 йилнинг апрели мамлакатимиз тарихига ўчмас саҳифа бўлиб кирди. Ўша апрель жамиятимиз тараққиётида тўб бурлиш содир бўлган ойдир. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларида биринчи бор тилга олинган қайта қуриш сўзи кейинчалик КПСС XXVII сьезди, XIX Бутуниттифок партия конференцияси ҳужжатларида ва ишланмаларида ривожлантирилди, мустаҳкамланди. Ўтган йиллар мобайнида ҳаётимизда кўп нарсалар ўзгариш — демократиялаш, ошқоралик ниҳоят, кундалик турмушимизнинг реалликларига айланди. Аммо, иқтисодий тўқин-сочинлик, реалликка айланиши, миллий маданиятлар эркин ривожланиши учун ҳаммамиз ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Қайта қуриш гоёларини астойдил қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тарақ

қиётига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар, халқ ҳўжалиги барча тармоқларининг тез юксалиши учун куч-гайратларини сафарбар этмоқдалар. Бу йўлда анчагина қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Баъзан аса бир ерда делсиниб турмалимизми, эгалланган марраларин бой бериб қўймадикми, деб ўзимизга ўзимиз савол ҳам бериб турибмиз. Бутун биз ҳаммамиз магазин лойтахтларида ҳам қайта қуришнинг реал натижаларини кўришни истаймиз, набоят кутишлар ўтмиш бўлиб қолишини истаймиз, бизга дурустроқ хизмат қилишларини хоҳлаймиз. Ниҳоят, биз фаровонроқ яшашни истаймиз, лекин афсуски, бу ҳозирча рўёбга чиққан йўд.

ТОШКЕНТ, Май, қайта қуришнинг бешинчи баҳори. Тошкент меҳнаткашлари биринчи Май намоишига келаяканка оруз-умид билан чиқмоқдалар. Оруз-умидлар асослидир, чунки, юқорида айтганимиздек, бу азгу орузлар реалдир. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг кўпчилиги, шоир айтганидек, «гойбдан келажак бахт бир афсона», деб билмоқдалар. Бирон-бир киши келиб, ўзларининг ҳаётларини яхшилаб кетади, деб ўйламай, меҳнаткашларимизнинг ўзлари республика эконимикаси ва ижтимоий тараққиётидаги турғунлик йиллари оқибатларини бартараф этиш учун ҳозир бутун куч-гайратларини сарфламоқдалар.

Аминимизки, қийинчиликлар ўтиб кетади. Шу босдан ҳам тошкентликлар Ўзбекистон пойтахтининг асосий майдонидан паҳдам қандай ташлаб ўтиш учун завод ва фабрикалар ҳовилиларида, курилиш йоралари ва илмий тадқиқот муассасалари йиғида, мактаблар ва институтларда шод-хушрамлик, байрамона қайфият билан тўпландилар.

(Давоми 2-бетда).



Москва. 1989 йил 1 Май. Қизил майдондан байрам колонналари ўтиб бормоқда.

С. Смирнов ва Ю. Инякин фотолари. («Известия» дан).



